

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 25

22. Июл. 2022 йил

Бағдод шаҳарчаси.

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ўз низомига асосан фаолият юритувчи Бағдод туман 88-маҳсус мактаб-интернат директори (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) биринчи томон ва иккинчи томон ALL ROUND STROY хусусий қорхонаси номидан раҳбар Хамидов Ботиржон Исроилович (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталади) ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

## 1. ШАРТНОМАНИ МАЗМУНИ:

- 1.1 «Пудратчи» ўз кучи, асбоблари, механизмлари билан «Буюртмачи»га қарашли Бағдод тумани 88-маҳсус мактаб-интернат биноси шартномага илова қилинган 08.06.2022 йил қўниги №46015 экспертиза хулосаси ва сметага мувофиқ жорий таъмирлаш ишларини амалдаги техник шартларга риоя қилган ҳолда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2 «Пудратчи» тегишли проект-смета ҳужжатларига мос ҳолда «Буюртмачи» томонидан жорий таъмирлаш ишларини келишилган вақтда бажариш ва уни қамчиликларсиз тўлиқ тайёр ҳолда ўз муддатига «Буюртмачи»га топширишни ўз зиммасига олади.
- 1.3 «Пудратчи» иш бажариш вақтида жорий таъмирлаш ишлари учун кетадиган қурилиш материаллари ва ишчи кучини ўз ҳисобидан ўзи таъминлайди.
- 1.4 «Пудратчи» жорий таъмирлаш ишларини 20 кунда тамомлаш мажбуриятини олади. «Пудратчи» томонидан қилинган ишлар яқунлангандан кейин Ф-2, Ф-3 далолатномаларини «Буюртмачи» ўзининг мутахассислари билан биргаликда қабул қилиб олади.

## 2. ШАРТНОМАНИ БАХОСИ

- 2.1 Шартноманинг умумий баҳоси 292634000 (Икки юз тўқсон икки миллион олти юз ўттиз тўрт минг) сўми ташкил қилади.
- 2.2 Шартнома баҳоси ўз ичига КМИ материаллар баҳоси тафовутини олади.

## 3. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ

- 3.1 Ушбу шартнома бўйича «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» ҳисоб рақамига олдиндан 30% аванс тўловини ўтказиб беради.
- 3.2 Тўлов шакли «Пудратчи» томонидан Ф-2, Ф-3 ҳужжатларини тасдиқлангандан сўнг солиштирма далолатномаси ва ҳисоб фактурага асосан «Буюртмачи» «Пудратчи»нинг ҳисоб рақамига тўғридан тўғри пул ўтказиб беради.
- 3.3 Шартнома бўйича охириги ҳисоб-китоб иш тўлиқ тамомлангандан сўнг 5 кундан кечиктирмай «Буюртмачи» томонидан амалга оширилади.

## 4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

- 4.1 «Пудратчи» Ушбу шартномани 1-булимида назарда тутилган ишларни шартнома Ғазначилик бўлими рўйхатдан ўтказилгандан қўндан 20 кун муддатда бажаради.
- 4.2 Ушбу шартнома 20.06.2022 йилдан 31.12.2022 йилгача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, Ғазначилик (бўлими)да рўйхатдан ўтказилгандан сўнг ҳар иккиси ҳам қўнуний қўчга эга.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1 «Пудратчи».
  - 5.1.1 Ўз кучи техника воситаси билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла ҳажмда ва муддатда бажариши ва тегишли лойиха ҳужжатларидаги ҳолатда ишларни «Буюртмачи»га меёрий ҳужжатлар талабига ва қоидалари асосида топшириш;
  - 5.1.2 Объектга лойихага биноан бўлган материалларини конструкцияларини бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш тушириш тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириш;
  - 5.1.3 Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган маҳсус ташкилотлар билан субподряд шартномани тузгани тўғрисида «Буюртмачи»га ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш.

- 5.1.4 Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қурилиши бўйича зарурий чора-тадбирларни бажарилишини таъминлаш;
- 5.1.5 Объект сугуртасини амалга ошириш ;
- 5.1.6 Жорий таъмирлаш ишларини назорат органлари томонидан текширишда ортикча қилинган харажатлар аниқланса бу харажатлар «Пудратчи» томонидан тўланади.
- 5.2 «Буюртмачи»
- 5.2.1 Календар иш режаси белгиланган ҳажмда ва муддатда ҳажмни топшириш;
- 5.2.2 У шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишлар шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда «Пудратчи»га ҳақ тўлаш;
- 5.2.3 «Пудратчи» дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиш мажбуриятларини олади.

## **6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 6.1 Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бўлганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга кечиктирилган ҳар бир кун учун шартнома баҳосининг 0,5 % ҳисобида пеня тўлайди, лекин шартноманинг 2,1 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.
- 6.2 Тарафлардан бири ушбу шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажармаган ёки лойиха даражада бажармаган ҳолларда айбдор тараф бошқа тарафга бой берилган фойдани қўшиб қурган зарарни қоплайди.
- 6.3 Пеня тулаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бузилиш ҳуқуқий бартараф этишдан озод этмайди.

## **7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ**

- 7.1 Шартнома тузилгандан сўнг бартараф этилиши томонларнинг тасири ва истакларига боғлиқ бўлмаган вақтинча ёки узок вақт шартномани зарур даражада амалга оширишга ҳалақит берадиган вазиятлар содир бўлганда (яъни табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити ҳуқуқат тадбирлари ҳокимият органлари қарорлари, ҳарбий низола ички тартибсизликлар) ва бошқа ҳолларда юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар мавжудлиги туфайли томонлар тарафида шартнома мажбуриятлари бузулган деб ҳисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари ушбу ҳолатлар давом этиш вақтига сурилади .
- 7.2 Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлмаган томон дарҳол иккинчи томонни юқоридаги ҳолатларнинг юзага келганлиги шунингдек бартараф этганлиги тўғрисида хабардор қилиши керак.
- 7.3 Бартараф этилиши мумкин бўлмаган вазиятлар содир бўлгани ёки улар бартараф этилгани ҳақида ўз вақтида (5 кун ичида) хабар бермаган томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда бу вазиятларни сабаб қилиб кўрсата олмайди .

## **8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

- 8.1 Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан пайдо бўлган барча низола ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан хал қилинади.
- 8.2 Агар келишмовчиликлар музокара йўли билан хал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартиба ҳўжалик судида кўрилиши лозим бўлади.

## **9. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ**

- 9.1. Ушбу шартнома ҳар қандай киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштириб ҳар икала томон имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.
- 9.2. «Буюртмачи» куйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
- 9.2.1 «Пудратчи»нинг айби билан ишларни боришини сустраслик билан муддати 10 кунга ошиб кетганда.
- 9.2.2 «Пудратчи»нинг шартнома шартларини бузиш натижасида лойихада кўрсатилган ишларни сифати пасайганда.
- 9.3. «Пудратчи» куйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
- 9.3.1 «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» га боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича жорий таъмирлаш ишларининг боришини 1 ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;
- 9.3.2 «Буюртмачи» томонидан лойиха ҳужжатларини ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ ҳолда ишларни баҳоси 50% қунига камайганда.
- 9.3.3 «Буюртмачи» томонидан кейинчалик қурилиш, молиялаш имконияти йўқотилганда.

9.4. «Буюртмачи»«Пудратчи» нинг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинади. «Буюртмачи» эса «Пудратчи» га улар томонидан аниқланган бажарилган ишлар ҳажми қийматини тўлайди.

9.5. Шартнома бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборилади.

### 10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. «Пудратчи» амалдаги тартиб ва қоидалар бўйича бажарилган ишлар сифатига 1 йил муддатга кафолат беради.

10.2. Хар иккала томон Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида фаолият кўрсатадилар.

### 11. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

#### БУЮРТМАЧИ:

#### ПУДРАДЧИ

Буюртмачи: Бағдод туман 88-махсус мактаб-интернати	Пудратчи: ALL ROUND STROY хусусий корхонаси
Манзили: Бағдод шаҳарчаси Мустақиллик кўчаси	Манзил: Учкўприк тумани Кичик кенагас МФЙ
Тел./факс:	
ШХР: 100021860302097092400075001	х/р: 20208000105448767001
Бюджетдан маблаг олувчи СТИРи: 200158865	Банк: ТОШКЕНТ Ш., АТ "АЛОКАБАНК" БОШ ОФИСИ
ОКОНХ:	МФО: 00401
Газначилик номи: Бағдод тумани бўйича газначилик бўлинмаси	Стир: 308933787
Газна х/в: 23402000300100001010	
Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. БХККМ	
МФО: 00014	
Газначилик СТИРи: 201122919	
Раҳбар:  Н. Дехконова	Раҳбар:  Б. И. Хамидов
Бош ҳисобчи:  Н. Соhibов	



Хўш кўради  М. Мирзаев





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Фарғона вилояти

150115 Farg'ona shahri, Al-Farg'oniy 36-uy tel 73)-244-68-81 244-68-82 mail: fergexp@rambler.ru  
www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Xagay Aleksandr Andreyevich

Sana: 08-06-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 46015**

**Obyekt nomi** «Farg'ona viloyati, Bag'dod tumani 88-sonli yordamchi maktab-internati binosini joriy ta'mirlash.»

**Buyurtmachi** - "Royal Emerald Projekt" MCHJ

**Bosh loyihachi** - "Royal Emerald Projekt" MCHJ

**Litsenziya** 14.02.2020y/AL-000576.

**Moliyalashtirish manbai** - Byudjet mablag'lari xisobidan.

**Bosh pudratchi** - Tender savdolari asosida (agar qaror qabul qiluvchi organ tomonidan belgilangan bo'lsa)

**Qurilish turi** Joriy ta'mirlash

**Murojaat raqami:** № 44531

**1. Loyihalash uchun asos**

1.1. Bag'dod tumani 88-yordamchi maktab internatining 2022 yil 26-may 1-sonli Yig'ilish bayoni.

1.2. Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan Loyiha topshirig'i.

1.3. Nuqson dalolatnomasi.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

2.1. Elektron yo'nalishda taqdim qilingan smeta xujjatlari.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

3.1. Farg'ona viloyati, Bag'dod tumani 88-sonli yordamchi maktab-internati binosini joriy ta'mirlash. (Bajariladigan ishlar Nuqson dalolatnomasi va Loyixa topshirig'ida keltirilgan).

**4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

4.1. Nuqson dalolatnomasiga ko'ra jixozlangan.

**5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

5.1. Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan Loyiha topshirig'i.

**6. Ekspertiza natijalari.**

6.1. Smeta xujjatlari ekspertiza ko'rigiga buyurtmachining texnologik, ichki muxandislik, nergiya tejamkorlik va boshqa yechimlari izoxlarsiz taqdim etilgan.

6.2. Ekspertiza jarayonida mahalliy (lokal) ekspert xulosalarining izoxlariga muvofiq smeta xujjatlariga kiritilgan kamchiliklar va tuzatishlar loyixachi tomonidan ko'rib chiqildi va tuzatildi. (Biriktirilgan lokal ekspertiza xulosalaridagi faylda batafsil ko'rsatib o'tilgan).

6.3. Buyurtmachi jami xarajati, materiallar qiymati, ish xaqqi 12114,89 sum/chelchas (ijtimoyi sug'urta siz) va pudratchining boshqa xarajatlari 19,39% buyurtmachi xatiga asosan qabul qilindi.

Buyurtmachi tomonidan quydagi obyekt jami bo'lib 307 707,757 ming so'm taqdim etilgan.

Tekshiruv natijasiga ko'ra quydagi ko'rsatgichlar tavsiya etiladi:

Qurilish qiymati QQS siz - 259 497 087 ming so'm

QQS 15% - 38 924 563 ming so'm

Qurilish qiymati QQS bilan - 298 421 650 ming so'm

Buyurtmachining xarajatlari - 2 771 000 ming so'm

Jami obyekt qiymati QQS va  
buyurtmachi xarajatlari bilan - 301 192 650 ming so'm

Iqtisod qilingan mablag' - 6 515,107 ming so'm

6.4. Kamayish qurilish mashinalarini va mexanizm va ba'zi materiallar qiymati sozlash xisobiga amalga oshirildi.

6.5. Jixozlar qiymati buyurtmachi kompetensiyasiga kiradi

6.6. Import qilingan uskunalar va materiallarning narxi ekspertiza tomonidan ko'rib chiqilmagan.

6.7. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2016 yil 22 yanvardagi 15-sonli qaroriga muvofiq 4-ilova, II bob 8-band va SHNK 1.03.06-13 da «Davlat ekspertizasiga taqdim etiladigan shaharsozlik hujjatlarining sifati uchun javobgarlik buyurtmachiga (dastlabki ma'lumotlarni loyihalashtirish jarayonida taqdim etilgan dastlabki ma'lumotlarning ishonchliliigi bo'yicha) va ishlab chiquvchiga (qabul qilingan loyiha qarorlari bo'yicha) yuklatiladi.

## 7. Xulosalar.

7.1. Farg'ona viloyati, Bag'dod tumani 88-sonli yordamchi maktab-internati binosini joriy ta'mirlash, smeta xujjatlari ekspertiza tekshiruv natijalarini hisobga olgan holda ko'rib chiqib, tasdiqlashga tavsiya etiladi.

7.2. Vazirlar Mahkamasining 11.06.2003 yildagi 261-sonli qarori va SHNK 4.01.16-09 ga muvofiq, tanlov savdolarini o'tkazish uchun ob'jektning qiymati buyurtmachi tomonidan belgilanadi.

7.3. Ko'rsatilgan narxni tanlov savdolari uchun qabul qilish to'g'risida buyurtmachi qaror qabul qiladi.

**Bosh mutaxassis:** TASHTEMIROVA SHOXISTA MAXAMATJONOVNA